



О.Нематов

2022й

БУЮРТМАЧИ:

«ҚАМЧИҚАВТОЙЎЛ» ИЙФУК

**Корхонанинг вахта усулида ишловчи ишчи
ходимларига 2022 йил 3-чорак мобайнида озик овкат
махсулотлари етказиб берувчи ташкилотни танлаб
олиш учун**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Қамчик довони -2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Корхонанинг вахта усулида ишловчи ишчи ходимларига 2022 йил 3-чорак мобайнида озик овкат махсулотлари етказиб бериш.

1.2. Танлов охирги қиймати – 1 128 660 600 (Бир миллиард бир юз йигирма саккиз миллион олти юз олти миш минг олти юз) сум. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “ҚАМЧИҚАВТОЙЎЛ” ИЙФУК, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: 160018, Ўзбекистон, Наманган вилоятм Поп тумани, А-373 “Тошкент-Ўш” автомобил йўлининг 230 км, Резак қишлоғи, Булоқ массиви

Эл.адрес: qamchiqiyfk@mail.ru, qamchiq@uzavtoyul.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан баҳоланади.